Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 18 август, сешанба • № 97 (22.334).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Олтинимизга муносиб баҳо

Қизилқум сарҳадларидан қазиб олинаётган Мурунтов олтинининг Лондон биржаси олтин медалига сазовор бўлгани кўпчиликка аён. Яқинда «9999» рақами билан баҳоланаётган Ўзбекистон олтини японияликларни ҳам лол қолдирди. Олтинимиз халқаро Токио биржасида сотиладиган бўлди. Истиқлол туфайли олис Қизилқум тилласи Европанигина эмас, Осиёни ҳам забт этмоқда. Бу мустақиллигимизнинг етти йиллиги байрами арафасида юз берган ўзига хос воқеадир.

Музаффар ШАРОПОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

"Эл-юрт ҳурмати" орденини таъсис этиш тўғрисида

Мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Эл-юрт ҳурмати" орденини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 17 август

Ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

Андижондаги «Жаннат» фирмасида суюқ хлор-натрий гипохлорид эритмаси ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Илгари бундай эритма хориждан келтириларди. Маҳсулот таркибида фаол хлор бўлиб, ҳар қандай нисбатда аралашма ҳосил қилишга имкон беради. Хусусан, ичимлик сувини микроблардан зарарсизлантириш, турли дизенфекция юмушлари, матоларни оқлаш ҳамда мева-сабзавотларни консервалашда қўлланилади. Олмонлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхона маҳсулотлари учун дастлабки харидорлар билан шартнома тузиш бошланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Яратувчанликни ратганнинг ўзи ҳам суяди





Ўзбекистон йўллари

Суратларни Ўктам ШАРИПОВ, Турғунбек МАҲКАМОВ ва Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган

Тинчлик ва барқарорлик — истиқлолнинг қўш қаноти

15 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятининг маркази — Термиз шаҳрида бўлди

Чегарадаги вилоят — чеккадаги вилоят эмас!

Яқин ўтмишда — шўро замонида ҳаётнинг ёзилмаган, аммо истисносиз равишда амал қилинган ғалати қонун-қоидалари, таъбир жоиз бўлса, «ёввойи» тартиблари кўп бўлган. Ана шу тартиблардан бирига кўра, «булоқ боши»га, яъни марказга мумкин қадар яқин жойлашган ҳудудлардаги аҳолининг турмуш тарзигина эски тузум раҳбарларининг эътиборида турган, холос. Оқибатда эса қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятлар, ҳаттоки, республикалар пойтахтдан қанчалик йироқ бўлса, бундай овлоқ ерларда истиқомат қиладиган кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши шунчалик ночор бўлиб қолаверар эди. Шу боис, «техника асри» деб ном олган йигирманчи юз йилликнинг охирги ўн йилликларида ҳам юртимизнинг аҳоли истиқомат қиладиган айрим масканларида нафақат телефон, телевизор, табиий газ ёки ичимлик сув, балки оддийгина — электр энергияси кириб бормаган хонадонларни учратиш мумкин эди.

Хайриятки, Истиқлол туфайли бундай ғайриинсоний адолатсизликларга узил-кесил чек қўйилди. Эски тузумдан «мерос» қолган ва халқимизнинг бевосита турмуш қулайликлари билан боғлиқ бўлган юқоридаги каби муаммолар мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ давлат аҳамиятидаги бош масала даражасига кўтарилди. Вилоятлар, олисяқин ҳудудларга нисбатан тенг кўз билан қараш сиёсати юргизила бошланди. Табиийки, бундай оқилона сиёсат ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Буни Термиз шаҳри мисолида ҳам кузатиш мумкин. Илгари Ўзбекистондаги салоҳиятли вилоятлардан бирининг марказидан кўра, чегара яқинидаги «ёпиқ» ҳарбий шаҳарча сифатида айрича аҳамият қаратилган мазкур масканни ҳозирда таниб бўлмайди. Шаҳарнинг кўкаламзор хиёбонларида, бежирим йўлкаларида ишга шошаётган шижоатли ва ўктам ёшларни, болалар аравачаларини етаклаб юрган бахтиёр жуфтларни, ўйиндан бош кўтармайдиган беташвишу шўх-шодон болакайларни, хотиржам сайр қилаётган пири бадавлат кексаларни эндиликда ҳарбийларга нисбатан кўпроқ учратиш мумкин. Бир пайтлар танклару бэтээрлар каби ҳарбий улов учунгина мослаштирилган дағал йўллар ўрнини, аллақачон, ўзимизнинг «Тико», «Дамас», «Нексия»лар елдек ўтиб тургувчи обод ва шинам кўчалар эгаллаган. Этни жунжитадиган, кўримсиз эски ҳарбий иморатлардан кўра, замонавий ҳамда ҳашаматли иншоотлар — янгиянги ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасалари ва боғчалар, дам олиш ва даволаниш жойлари, маданият ва спорт масканлари, маиший хизмат марказлари, гузарлар ва бозорлар ҳар қадамда кўзга ташланади.

Термиз марказий бозорини худди ана шундай янги иншоотлар сирасига киритиш жоиз. Умумий майдони уч гектарлик ушбу савдо мажмуини қуриб битказиш учун жами 250 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу маблағнинг салкам юз миллион сўмлик қисмини вилоят меҳнаткашларининг шахсий маблағлари ҳамда ҳомий ташкилот ва корхоналар ажратган пуллар ташкил этади. Мустақилликнинг етти йиллик улуғ тўйига муносиб тўёна сифатида қуриб битказилган бозор шу кеча-кундузда нафақат термизликларга, балки вилоят аҳлига яқиндан хизмат қила бошлади.

Янги бозорни бориб кўрган юртбошимиз бу каби замонавий ҳамда қулай, шинам ва маҳобатли савдо мажмуи мамлакатимизда саноқли эканини эътироф этди. Президент бозор қурилиши ишбошиларига миннатдорлик билдирар экан, бундай залворли иншоотларнинг барпо этилиши, аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик билан бевосита боғлиқлигини қайд қилди. Термиз марказий бозорининг янги биноси сурхондарёликлар ва умуман халқимиз қалбидаги яратувчанлик иштиёқи, ҳаётга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ва келажакка ишончнинг меваси эканлигини таъкидлади.

Йўлбошчимиз, шунингдек, чегарадаги вилоятни чеккадаги, эътибордан холи вилоят сифатида тушунмаслик кераклиги хусусида ҳам алоҳида тўхталди. Сўнгги пайтда мазкур ҳудудга қилинган бир неча сафарлар, шу жумладан, навбатдаги ташриф ҳам ана шу фикрнинг исботи эканлигини уқдириб ўтди. Чегарага яқин дегани — олисолисда жойлашган дегани эмас. Сурхон воҳасининг халқи юртимизнинг, юрагимизнинг тўридадир, деди юртбошимиз.

Тақдиримиз ўз қўлимизда...

Албатта, мабодо Президент Термизга сурхондарёликларнинг фақат турмуш тарзи билан танишиш мақсадидагина борди, десак масаланинг бир томонига эътибор қаратган бўламиз. Зеро, ҳозирги нотинч замонда давлат раҳбари учун мамлакат сарҳадидаги аҳволдан жойнинг ўзида, юзма-юз бохабарлик, юрт чегараларининг хавфсизлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга бош-қош бўлиш ўта муҳим масала эканлиги аён ҳақиқат.

Дунё харитасига назар солсангиз, Ўзбекистон этник, демографик, иқтисодий муаммолар ва бошқа кўплаб қийинчиликларни бошдан кечираётган турли мамлакатлар қуршовида жойлашган. Минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан эндиликда реал хавфга айланганининг ўзиёқ кишини ташвишлантирмасдан қўймайди. Тақдир тақозосини кўрингки, юртимиз йигирма йиллик уруш олови ўчмаётган ва аксинча, охирги пайтларда янада алангаланаётган, ички низо авжига чиққан, вазият қалтис тус олган Афғонистон билан қўшни ҳисобланади.

Шу маънода, Президентимиз ҳар гал: «Биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбурмиз», деганда юз карра-минг карра ҳақ эканига имон келтирмаслик мумкин эмас.

Айниқса, Ислом Каримовнинг яқиндаги чиқишларидан бирида: «Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Ўзи, хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб бўладими?» дея кунчаклик билан **билдирган фикрлари ҳамюртларимизни тинчликнинг, осойишталикнинг қадрига етишга, мавжуд барқарорликнинг қандай қийинчилик, нечоғлик меҳнат-машақатлар эвазига қўлга киритилаётганлигини тасаввур қилишларига, англашларига** ундаши тайин.

Тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик масалалари билан боғлиқ ана шундай фикрлар Ислом Каримовнинг Термиз сафари чоғида журналистлар билан қилган суҳбатида қайтадан тилга олинди, янада чуқурлаштирилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз сафаридан кўзда тутилган мақсадга тўхталар экан, жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор бўлган, давлатимиз чегарасига яқин жойдаги мураккаб вазият — Амударёнинг нариги қирғоғида юз бераётган воқеалар хусусида сўзлади. Бу воқеалар бизга хавф етказади, деди Президент. Бу бизни огоҳ бўлишга, керакли тайёргарликларни кўриб қўйишга, ўзимизни ҳимоя қилишга даъват этади. Ўзимизни ҳимоя қилиш дегани, авваламбор, юртимиздаги барқарорликни сақлаш, ҳар

(Давоми 2-бетда)

Туман раҳбари ўлдирилди

Тожикистоннинг Шаҳринав тумани раҳбари Қаландар Ҳайдаров ўтган куни кечаси номаълум кишилар томонидан ўлдирилди. Саккиз кишидан иборат қуролли гуруҳ Ҳайдаровнинг уйи ёнидаги қўриқчиларни қуролсизлантириб, уларни олиб кетди. Бир қанча вақт ўтгач, Ҳайдаровнинг жасади қишлоқ четидан топилди. Тожикистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу қотилликни сиёсий йўналишда эмаслигини таъкидлашмоқда. Ички ишлар вазирлиги вакилининг баёнотига кўра, Ҳайдаров яширин гуруҳлар ичидаги ўзаро муҳокамаларнинг қурбони бўлган. Ҳайдаров ўтган йилнинг август ойида Президент Раҳмоновнинг фармони билан Шаҳринав тумани раиси этиб тайинланган эди.

Гумондаги шахс ушланди

Полициянинг юксак лавозимли вакили 32 ёшли Мухаммад Бин Содиқни Кения пойтахти Найробидаги АҚШ элчихонаси биносидаги портлатишни ташкил этишда гумон қилиб, ҳибсга олинганлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, жиноятчи Карачидаги аэропортда 7 август куни, Шарқий Африкада юз берган фожиадан сўнг бир неча соат ўтгач ҳибсга олинганди. Содиқнинг Кенияда олган паспортида «асосий белгилар» деб ёзилган жойда «соқоли бор» деб кўрсатилган эди. Лекин у ҳибсга олинганда, унинг соқоли йўқ эди. Полициядаги тергов пайтида у Найробидаги портлашга алоқаси бор эканлигини тан олди. Унинг сўзларига қараганда, Америка элчихонаси биноси ёнига портлатиш қурилмасини ўрнатишда унга ва унинг шерикларига Мисрдаги «Ислом жиҳоти» ташкилоти аъзолари ёрдам беришган эмиш. Содиқнинг таъкидлашича, портлатишнинг асосий ташкилотчиси Муҳаммад Солиҳ аллақачон Афғонистонга етиб борган. Айни пайтда Карачида федерал қидирув бюроси айғоқчилари иш олиб боришмоқда. Ушбу айғоқчилар бошқа гумондорларни ҳам сўроққа тутишни мўлжаллашмоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Якунловчи босқич олдидан

Агар Покистон АҚШ ва «катта саккизлик» мамлакатларининг талабларини қабул қилиб, ядро қуролини бундан буён синовдан ўтказмаслик ҳақидаги шартномага имзо чекса, шунингдек, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқласа, у ҳолда Вашингтон ушбу мамлакатга қўллаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиши мумкин. Бу ҳақда покистонлик журналистларга Оқ уй вакили баёнот берди. Унинг айтишига кўра, АҚШ билан Покистон ўртасидаги музокараларнинг якунловчи босқичи 25 август куни Лондонда бошланади. Ушбу музокараларнинг якунига қараб, АҚШнинг жазо чораларига нисбатан муносабати маълум бўлади. Бундан ташқари Президент Билл Клинтоннинг Жанубий Осиёга шу йилнинг куз фаслида қиладиган ташрифи ҳам шунга боғлиқ.

Қўшиқ байрами якунланди

Президентимиз Фармонига биноан ҳар йили август ойининг учинчи якшанбасида ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» тобора оммавий тус олмоқда, янгиянги иқтидорли санъаткорлар кашф этилмоқда, дилрабо куй ва қўшиқлар яратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган бу галги шодиёналар айниқса кўтаринки руҳда ўтди. Мамлакатимизнинг етук санъаткорлари, бадиий жамоалари, бастакорлар, шоирлар шу куни вилоятларда кенг нишонланган қўшиқ байрамида иштирок этди. Тошкентнинг марказий майдонларида, туман марказларида ҳам рангбаранг концертлар ташкил қилинди.

Қўшиқ байрами республика кўрик-танловининг якуний босқичи пойтахтдаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, турли вазирликлар тизимида бўлиб ўтган танловларда ғолиб чиққан йигирмадан зиёд бадиий жамоа ва якка ижрочилар ўз санъатини намойиш этди. Саҳнада она-Ватанни, истиқлол, бугунги бахтли ҳаётимизни тараннум этувчи қўшиқлар янгради.

Танлов якунига кўра, бастакор Аваз Мансуров шоир Нормурод Назруллаев билан ҳамкорликда яратган ва Тошкент давлат жаҳон тиллари университетининг талабалари ижро этган «Ўзбекистон — дўстлик диёри» қўшиғи биринчи ўринни олди. Ички ишлар вазирлигидан Тожибар Азизова, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларидан Улуғбек Бобомуродов, жиззахлик Лариса Москалева куйлаган қўшиқлар иккинчи ўринга сазовор бўлди. Мудофаа вазирлигидан Камолиддин Раҳматов, сурхондарёлик Ҳосила Раҳимова, Бухоро вилояти Ғиждувон туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази қатнашчилари ижросидаги қўшиқларга учинчи ўрин берилди.

Ўзбекистон қўшиқ байрами 16 август куни «Халқлар дўстлиги» саройида республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларининг республика санъат усталари иштирокидаги катта байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев қатнашди.

(ЎзА)

Истиқлол мушоираси

МУБОРАК

Бу озодлик тонглари,
Ҳур, покланиш онлари,
Истиқлолнинг донглари,
Муборак жонажонлар.

Қайтдик ўзлик сарига,
Тарихимиз бағрига,
Ор-ғурур сафларига,
Муборак чин виждонлар.

Озод ширин тилимиз,
Очиқ қулфи дилимиз,
Булбулимиз, гулимиз,
Муборак гулистонлар.

Бошда ҳумоюн ялов,
Қалбларда сўнмас олов.
Истиқболга улуғ дов,
Муборак шавкат-шонлар.

Тинчлик бизга бош одат,
Меҳнат, ижод, саодат,
Иймон йўли-шафоат,
Муборак пок инсонлар.

Шафоат РАҲМАТУЛЛО

Узбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 18 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	60,51
1 Австрия шиллинги	8,08
1 Англия фунт стерлинги	165,49
10 Бельгия франки	27,53
1 Голландия гульдени	50,39
10 Греция драхмаси	3,36
1 Дания кронаси	14,92
1 БАА дирхами	27,86
1 АҚШ доллари	102,30
1 Миср фунти	30,09
1 Ирландия фунти	142,61
1 Исландия кронаси	1,42
10 Испания песети	6,69
100 Италия лираси	5,77
1 Канада доллари	67,46
1 Хитой юани	12,36
1 Кувайт динори	332,52
100 Ливан фунти	6,74
1 Малайзия рингити	24,34
1 Германия маркаси	56,83
1 Норвегия кронаси	13,36
1 Польша злотийси	29,27
10 Португалия эскудоси	5,57
1 Сингапур доллари	58,34
1 СДР	135,54
1000 Туркия лираси	0,37
1 Финляндия маркаси	18,69
1 Франция франки	16,98
1 Швеция кронаси	12,51
1 Швейцария франки	67,97
1 ЭКЮ	112,15
10 Жанубий Корея вони	0,77
10 Япония иенаси	6,99
1 Россия рубли	16,26
1 Украина гривнаси	47,76
1000 Белорусь рубли	2,33
1 Латвия лати	169,69
1 Литва лити	25,58
1 Молдова лейи	21,47
1 Қирғизистон соми	5,24

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Жаҳон эҳтиромига лойиқ юрт

Одамлар бу ерга нима учун келишини унутмайлик. Барча қилаётган ишларимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этишга қаратилган.

Ислом Каримов

Шундай буюк алломаларимиз борки, улар ўз илмий ва маданий салмоғи жиҳатидан бир халқ ёки бир миллат эмас, бутун башариятга мансублик қилади. Ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари ана шундай алломалар сирасига киради. У зоти шариф қаламларига мансуб жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳийҳ (ишончли) ҳадислари мужассам бўлган «Саҳийҳ ал-Бухорий» асари мана ўн уч асрки, бутун башариятни эзгуликка, ҳақиқату адолатга, маънавий камолотга чорлаб келмоқда.

Ҳукуматимиз қарори билан шу йил октябрь ойида Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги дунё миқёсида кенг кўламда нишонланади. Мамлакатимизда мана шу санага қизғин тайёргарлик кетаётир. Улуғвор, том маънода беқиёс ишлар амалга оширилаётир. Буларнинг ҳаммаси — мустақиллигимиз шарофати.

Миллат ва маънавият

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд вилоятида бўлганларида Челак туманидаги Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ҳазратларига қурилаётган ёдгорлик мажмуасининг ишлари билан танишдилар.

Бу буюк иншоот ва унинг оламшумул аҳамияти ҳақида юртбошимиз билдирган қимматли фикр-мулоҳазаларни эшитиб, мен бир тадқиқотчи сифатида бу борада ҳали кўп ишлар қилишимиз, довруғимизни, халқимизнинг номини бутун дунёга ёйган алломамиз ҳаёти ва фаолиятини муттасил равишда изчил ўрганишимиз лозимлигини, у зоти шариф бой меросининг кўп қирралари, мазмун-моҳияти ҳали тўла очилмаганини сездим. Бу борада, албатта, ёзма ёдгорликлар — мўътабар қўлёзмаларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Хусусан, араб тилидаги манбаларда Имом ал-Бухорий ҳаёти ва мероси билан боғлиқ кўпдан-кўп ноёб ва эътиборли маълумотлар учрайдики, уларни билиш, тўлиқ идрок этиш орқали буюк ватандошимизнинг ақл бовар қилмайдиган чуқур илми, юксак маънавий салоҳияти ва умумбашарий эътирофининг намоён бўлиши, доимий равишда унинг ўлмас ғояларига садоқатнинг энг олий даражадаги тимсолини кўрамиз.

Таниқли араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабий (1274-1348) ўзининг йигирма беш жилдлан иборат «Сийар аълом ан-нубало» («Олийжаноб алломалар сийратлари») номли йирик асарининг ўн иккинчи жилдида Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар келтириб, бир ўринда шундай деб ёзади: «Абу Али ал-Ҳофиз ал-Ғассоний исмли олим деган: бизга Абул-Фатҳ Наср ибн ал-Ҳасан ас-Сакконий исмли самарқандлик олим шундай ҳикоя қилганди: «1072 йилда (Имом ал-Бухорий вафотларидан икки юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач. — У.У) Самарқандда қаттиқ қурғоқчилик содир бўлиб, бир марта ҳам ёмғир бўлмаганлигидан қаҳатчилик хавфи туғилади. Урфу одатга кўра, шаҳар аҳолиси ёмғир ёғишини тилаб, хилма-хил йўллар қилади, аммо ҳеч бир натижа бўлмайди. Шундан кейин ўзининг савоб, хайрли ишлари билан халқ ўртасида танилган бир солиҳ киши шаҳар қозихонасига келиб: «Сиз бизга бош бўлиб, ҳаммамиз Хартангга борсак, Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг қабрларини зиёрат қилиб, дуо-ю фотиҳалар ўқиб, унинг воситасида Оллоҳга илтижо қилиб, ёмғир тиласак, зора илтижомиз мустажоб бўлса?» — дейди. Эртасига шаҳар аҳлидан бир гуруҳи билан қози Хартангга келиб, ёмғир тилаб, алломанинг қабрлари устида дуо-ю фотиҳалар қилиб, Оллоҳдан нажоту шафоат сўрайди. Оллоҳнинг марҳаматини кўрингки, шундан оз фурсат ўтар-ўтмас осмонни қалин булутлар қоплаб шу даражада қаттиқ ёмғир ёғдики, ҳатто, қози билан шаҳардан келган одамлар етти кунгача Хартангда қолиб кетади...» Айни шу маълумотлар бошқа бир араб тарихчиси Тожуддин ас-Субкийнинг (1327-1370) «Табақот аш-шофъиййа ал-кубро» («Шофеъий улуғ табақалар») асари иккинчи жилдида ҳам келтирилган.

Буюк алломанинг қабрлари билан боғлиқ баъзи маълумотлар ҳам тарих китобларида битилган. Бу хусусда ҳозир зикр қилганимиз тарихчи Тожуддин ас-Субкий қуйидагича ҳикоя қилади: «Имом ал-Бухорий 870 йили Хартангга келиб, ўз қариндоши Ғолиб ибн Жабрийлнинг уйида истиқомат қилади. Бир ойча яшаганидан кейин шу ерда вафот этади. Ғолиб ибн Жабрийл шундай ҳикоя қилади: «Алломани Хартангда дафн қилганимиздан кейин унинг қабри тупроғидан мушку анбарга ўхшаш муаттар, хушбўй бир ҳид тарала бошлади. Қишлоқ аҳли аввалига бундан ғоятда ажабланиб, сўнгра бу хосиятли, муаттар қабр тупроғидан аста-секин уйларига олиб кета бошладиларки, ҳатто, қабрнинг усти очилиб қолаёзди. Махсус одамлар қўйиб, қабрни қўриқлашнинг имкони бўлмагач, қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатлашиб, қабрнинг атрофини ўраб ёғочдан мустаҳкам панжаралар ўрнатдик. Шундан кейин бирор киши қабр тупроғидан ололмади. Аммо, аввалгидек қабрдан муаттар хушбўй ҳид таралаверди. Бу хабар ҳақида шаҳар (Самарқанд)даги барча катта-ю кичик доимо гапириб, таажжубланиб юрарди».

Насафлик таниқли олим Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий (1069-1142) ўзининг «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари баёнида қанддек ширин китоб») номли асарида диёримиздан чиққан мингдан ортиқ олиму уламо, таниқли арбоб ҳақида муҳим маълумотлар келтирган. Жумладан, узоқ йиллар Насафда бош қози лавозимида ишлаган Абу Саъийд Абдураҳмон ибн Аҳмад ибн Ҳомид ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Абдураҳмон ибн Саад ибн Абу Ваккос аз-Зуҳрийнинг 988 йили Иштихонда вафот этганлиги ва у, ўз васиятига кўра, Хартангда Имом ал-Бухорий қабри ёнида дафн этилганлигини хабар қиладики, бу ҳам алломанинг ёркин хотирасига халқ орасида ҳар доим юксак эҳтиром бўлганлигини кўрсатади.

Юртимизнинг ҳар қадамида бир улуғ зотнинг хоки бор, деганлари рост.

Убайдулла УВАТОВ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Тинчлик ва барқарорлик — истиқлолнинг қўш қаноти

(Давоми. Боши 1- бетда)

қайси шаҳар, қишлоқ, хонадон тинчлигини, омонлигини муҳофаза қилиш. Тинчлик-барқарорлик эса, аввало, ўзимизга, ўзимизнинг дунёқарашимизга, табиатимизга, онгимизга, керак бўлса, мафкурамизга боғлиқ. Ўзлигимизни нечоғлик англашимизга боғлиқ. Бугунги ҳаётимизнинг моҳиятини, тақдиримиз ўз қўлимизда эканлигини яхши англашимиз керак.

Яна шуни очиқ айтишим керакки, биз фақат қуруқ даъват билан кифояланиб қолмаймиз, деди Президент. Бизга ёвуз ният билан қараётган, бахтли ҳаётимизга ҳамла қилмоқчи бўлганларнинг ақлини киритиб қўйиш учун ўз кучимизни, керак бўлса, ҳарбий салоҳиятимизни ҳам намойиш этишимиз зарур бўлади. Биз тинчлик тарафдоримиз, аммо ёвуз ниятлилардан нафақат ҳимояланишга, балки бундай ниятдагиларнинг ақлини киргизиб қўйишга ҳам кучимиз етади. Бугунги кунда қудратли ҳарбий кучларимиз оддий армия эмас ва керак бўлса, халқининг эркинлигини, юртининг тинчлигини ҳимоя қилишга қудрати етарлигини хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этмоқдалар. Армиямизни янада замонавий қуроллар билан таъминлашга, керакли асбоб-ускуна, ҳарбий техникани сотиб олишга қодирмиз. Ўзбекистондай обод ва гўзал юртни ҳимоя қилиш йўлида ҳеч нарсани аямаймиз, деб таъкидлади юртбошимиз. Зотан, ўзининг кучига ишонган, қудратига иноннган, ўз йўлини танлаган ва шу йўлдан ишонч билан бораётган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Аммо, бизга ҳеч қандай уруш керак эмас. Бу ерга келишимиздан асосий мақсад ҳам урушнинг олдини олишдир, деб фикрини хулосалади мамлакатимиз раҳбари.

Афғон халқига ҳам тинчлик тилаймиз

Афғонларга ҳам, аслида, уруш керак эмас, дейди Президент. Ислом Каримовнинг фикрича, йигирма йилдан буён давом этаётган урушга бундан манфаатдор чет кучлар аралашмаса, бу хунрезликлар аллақачон тугаган бўлар эди.

Дарвоқе, юртбошимизнинг Афғонистон урушига тааллуқли тўқ мағизли фикрлари, янада тўғриғоғи, кўплаб амалий таклиф ва тавсиялари бир неча йилдан буён нуфузли халқаро минбарлардан янграмоқда. Шу ўринда, Ислом Каримовнинг Афғонистондаги тангликни бартараф этиш билан боғлиқ сиёсий позициясининг айрим жиҳатларига диққатини қаратиш, айниқса, муҳимдир. Бу алоҳида жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

— Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан аралашувларга барҳам бериш;

— бу ҳудуддаги жанговар ҳаракатларни тўхтатиш;

— мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш;

— Афғонистондаги мавжуд сиёсий, диний, этник гуруҳларнинг тенг ҳуқуқли иштирокида мамлакатда муросага келиш жараёнини бошлаш ва ана шу асосда ҳукумат таркибини тузишга киришиш;

— бу жараёнларнинг БМТ ҳомийлигида ва Ислом Конференцияси Ташкилоти иштирокида ўтиши зарурийлиги;

— мамлакат ҳудудига четдан қурол-яроғ киритиш ҳолатларига нисбатан тақиқ (эмбарго) эълон қилиш;

— Афғонистон муаммоси бўйича қўшимча контакт гуруҳини ташкил этишнинг долзарблиги.

Сафар мобайнида Президентимиз ўзининг ана шу позициясига содиқ қолганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон раҳбарининг амалий таклиф ва тавсиялари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилгани ҳамда уларнинг аксарияти бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётгани хусусида ҳам сўз борди.

Жумладан, «6+2» (олти қўшув икки) кўринишидаги қўшимча контакт гуруҳи тузиш тўғрисидаги Ислом Каримовнинг таклифини олайлик. Маълумки, бу ерда Афғонистон теварагидаги, унга қўшни олтита давлат — Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Хитой, Покистон, Эрон ва уларга қўшимча яна икки давлат — АҚШ ва Россиянинг биргаликда Афғонистон можаросига барҳам беришнинг мақбул йўлини топиши масаласи назарда тутилган. Ҳозирда бу гуруҳ фаолият бошлаб юборгани, айниқса, диққатга молиқдир.

Афғонистонда миллатлар, элатлар, диний кучларнинг ўзаро тил топишиши барқарорликнинг асосий гарови ва бу ерда бундан бошқа йўл йўқ, дейди Ислом Каримов. Зеро, бугун бир томон мақтанади, бутун Афғонистонни ишғол қилдим, деб. Лекин бундай ғалабанинг кафолати борми? Эртага бошқа бир диний, маҳаллий ёки миллий-этник куч яна бош кўтариб чиқади ва қайтадан жанжал бошланади. Афғонистоннинг сўнги икки асрлик тарихи шуни кўрсатяптики, мамлакатда тинчлик ўрнатишнинг битта йўли бор, у ҳам бўлса — мавжуд барча уруғлар, элатлар, миллатлар ўзаро тил топишиши керак.

Албатта, мамлакатда пуштунларнинг сони кўп ва буни тан оламиз, дейди Президент. Толибонлар ҳам, асосан пуштунлардир. Биз уларга ҳам тинчлик тилаймиз. Лекин улар агар мамлакатдаги бошқа миллатларнинг манфаатларини инобатга олмаса, барибир Афғонистонда тинчлик бўлмайди. Афғонистонда тинчлик бўлишининг йўли битта: бу ерда кимки яшамасин, қайси миллатга, қайси диний кучга мансуб бўлмасин, мамлакатнинг қайси ҳудудида истиқомат қилмасин — бариси бир-бири билан тил топишиши зарур.

Ҳозир Афғонистонда катта жанглар кетаётган дамларда бунга нима сабабчи, ким айбдор, деб ўтириш ножоиз. Аслида, Афғонистоннинг нотинчлиги 1979 йилдан бошланган. Агар ўшанда шўро қўшинлари Афғонистонга киритилмаганида, иззат-ҳурматимизни жойига қўйиб келган афғон халқи билан ҳозиргидек муносабатларга дучор бўлмас эдик, дейди куюниб юртбошимиз. Энг тинч, энг яқин қўшнимизни йўқотдик. Бунга ким ва нима сабабчи? Ўша пайтда Москвада ўтирган «доҳий»ларнинг калтабинлиги, узоқни ўйламай иш кўришлари сабабчи.

Энди бу масалаларни қайта қўзғаб ўтиришдан фойда йўқ. Муҳими — бу воқеалар бизнинг атроф-теварагимизда юз беряпти. Буни тан олиш, бундан кўз юммаслик керак. Бугунги вазиятга очиқ кўз, теран нигоҳ билан қараш ва керак бўлса, бирламчи амалий чоратадбирларни қабул қилиш ва шунинг ҳисобидан чегарамизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг, эл-юртимизнинг тинчлигини сақлашимиз зарур, деди пировардида Президент.

Ҳайрат ва... Хайратон

Ўзбекистон Президенти ташрифи давомида Ўзбекистон — Афғонистон чегарасидаги Айритом божхона мажмуида бўлди. Бу маскан билан Афғонистоннинг Хайратон шаҳрини «Дўстлик» кўприги боғлаб туради. Маълумки, Афғонистон ҳудудига киритилган ва салкам ўн йиллик урушда қатнашган шўро қўшинлари ана шу кўприкдан олиб чиқиб кетилган эди. Бу воқеага ҳам ўн йилча бўлиб қолди. Эндиликда кўприкни иккига бўлиб, Ўзбекистон — Афғонистон давлат чегаралари ўтган.

Халқаро тартиб-қоидаларга мувофиқ, чегара чизиғи Амударёнинг чуқур жойидан ўтгани туфайли кўприкнинг катта қисми бизнинг ҳудудимиз ҳисобланади. Чегара белгиси ўтган жойда давлатимиз байроғи ҳилпираб турибди. Шунча ҳаракат қилмайлик, нариги томондаги байроққа кўзимиз тушмади. Чегарадаги ҳарбийлардан суриштириб билишимизча, у томонда ҳозир Толибон ҳаракатининг оқ рангли байроғи илинган. Толибон вакиллари гоҳи-гоҳида кўприкдаги чегара чизиғига яқин жойгача келиб-кетишар экан: албатта, қурол-яроғсиз. Айтишларича, уларнинг кайфиятида биз — ўзбекистонликларга нисбатан нафрат ёхуд душманлик ҳисси эмас, балки қизиқиш туйғуси кучлироқ. Чегарада ёш чегарачи — Жамшид Маматов билан суҳбатлашиб қолдик. У жиззахлик, 1 йилу 3 ойдан буён шу ерда хизмат қилмоқда.

— Нариги қирғоқдаги отишмалар эшитилиб турадими, Жамшид? — сўрайман қизиқсиниб.

— Йўқ, негадир у томонда ҳеч ким кўринмай қолди. Аҳоли кўчиб кетган бўлса керак-да, — жавоб беради у.

— Қўрқинчли эмасми?

— Йўғ-эй!..

— Унда қуролни нима қиласиз?

— Ишониб бўладими, уларга...

Чегарачининг ўз-ўзига, ўз кучимизга қатъий ишончи-ю, ғанимга ишонмаслиги, аниқроқ айтганда, ҳушёр ва зийраклигидан кўнгил таскин топади.

Бу орада Президентимиз чегара мустаҳкамлигини ўз кўзлари билан кўриб, бу борада тегишли йўриқ ва топшириқлар бериб, сарҳадларимизнинг хавфсиз ва бехатарлигига комил ишонч ҳосил қилиб ортга қайтади. Ислом Каримовнинг бутун вужуди-ю, руҳиятидан балқиб турган ана шу ёруғ ишонч ҳисси бир зумда бизга ҳам ўтганини сезаман.

Кейинроқ, мамлакатимиз раҳбари Термиз марказий бозори билан танишаётганларида, сурхондарёликлар билан дилдан суҳбатлашаётганларида шунинг гувоҳи бўлдимки, нафақат Қуролли Кучлар Олий қўмондонидан токи оддий чегара жангчисига қадар, балки етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган жами халқимизга хос экан ана шу ёруғ ишонч туйғуси.

— Сиз бор экансиз — Ўзбекистон сарҳадларига ҳеч ким, ҳеч қачон киролмайди,— деди термизлик 20 яшар тадбиркор йигит Умид Муродов.

Бу — ҳамманинг дилидаги, тилидаги гап. Зотан, аввало, Президентга, халққа, юртга ишонч, тинчлик ва хавфсизлигимизга ишонч, истиқлол ва истиқболимизга ишончгина ўз-ўзимизга ишончни туғдиради. Ўз-ўзимизга ишончнинг ана шу сербутоқ дарахти эса бизни ҳар қандай уруш оловларидан ҳар қачон омон сақлагай, иншоолло.

Икки қирғоқ — икки дунё

Президентимиз, шунингдек, «Дўстлик» кўпригидан туриб нариги соҳилни кузатганларини, у томонда аҳвол ачинарли даражада эканлигини сўзлади. Айрим ғаламис кучлар Ўзбекистонни шимолий коалицияга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётганликда айблашади. Ҳолбуки, юртбошимизнинг фикрларига қараганда, давлатимиз қайси томон, қай бир гуруҳ эканидан қатъи-назар, афғонистонликларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга, озиқ-овқат борасида кўмак беришга доим тайёр турибди, Улар тинчланишса, беҳудага уруш оловини ёқишмаса, энг муҳими, бизнинг сарҳадларимизга кўз олайтирмасалар, бас.

Айни пайтда биз ҳам кўприкдан туриб, икки соҳил, икки қирғоқда жойлашган икки мамлакат ўртасидаги фарқ ва тафовутни таққосладик:

Бир соҳилда — йигирма йиллик уруш ўчоғида қоврилаётган Афғонистон. Ана шу йигирма йиллик уруш бу мамлакатни тараққиётдан юз йиллар орқага улоқтириб ташлади.

Иккинчи соҳилда — Мустақил давлатчилигининг еттинчи йилини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўраётган байрам олди Ўзбекистон. Етти йил ичида мамлакатда ҳар йили ўн йилликларга, юз йилликларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бир соҳилда — халқаро ҳамжамиятнинг норозилиги-ю ачинишига сазовор мамлакат, тинчликка, бурда нонга, доридармон ва меҳр-шафқатга муҳтож одамлар.

Иккинчи соҳилда — БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, дунёнинг жами давлатлари билан бегараз дўст ва ишончли ҳамкор давлат, дастурхонида нони, лабида табассуми, кўнглида келажакка умиди бутун халқ.

Бир соҳилда — бир неча миллатга мансуб ўзаро душман гуруҳлар, бир диннинг турли оқимлари намояндалари ўртасидаги қонли ихтилофлар.

Иккинчи соҳилда — Ватаннинг буюк келажаги йўлида бирлашган, жипслашган фуқаролар, юздан ортиқ миллат, турли дин ва турфа мазҳаб вакиллари — ягона Ўзбекистон халқи.

Бир соҳилда — руҳлари хорланган, қабрлари топталган, мақбаралари тўплардан вайрон этилган аждодларнинг қарғиши.

Иккинчи соҳилда — унут номлари ёд этилган кўҳна мақбаралари таъмирланиб, шаҳарларига янгидан-янги ёдгорликлар тикланаётган бобокалонлар руҳларининг шукронаси.

Бир соҳилда — қон, қурол ва қорадоридан бошқа нарсани танимай ўсаётган фарзандлар.

Иккинчи соҳилда — дунёнинг тўрт бурчида таҳсил олиш имкониятига эга бўлган ва ана шу имкониятдан завқ ва иштиёқ билан фойдаланаётган, бошқача айтганда, юртнинг буюк келажагини яратишга шайланаётган баркамол ёш авлод.

Бир соҳилда — отасини, акасини, укасини, эрини, ўғлини уруш аталмиш юҳонинг тубсиз домига топширган, ўзидан бошқа ҳеч кими, паранжи ва эрксизлигидан ўзга ҳеч вакоси қолмаган бахти қаро, муштипар ожиза.

Иккинчи соҳилда — бешик тебратаётган, ўқиётган, ишлаётган, сайлаб-сайланаётган, бахтиёр, эркин, доимо иззатда яшаб, Юртбошини-ю ўз рўзғорбошисини, фарзандларини дуолар қилиб чарчамаётган дуркун, соғлом, муниса аёл...

Бу қиёсларни ҳали узоқ давом эттиришимиз мумкин эди. Лекин, шартмикан? Яхшиси, мақсадга ўтиб қўя қолайлик. Мақсадимиз шуки, ҳар қайси соҳил ўз жойида, муқим қолсин. Ўртамизда оқаётган дарёмизнинг суви доим тиниқ бўлсин.

Ҳар қайси мамлакат бир-бирига фақат тинчлик-омонликни соғинсин. Халқларимиз, кишиларимиз бир-бирига дуч келар экан, қўлларини қуролга эмас, саломга чўзсинлар!

Ғулом МИРЗО
Тошкент — Термиз — Айритом — Тошкент.

Тилими тилни ёрар юртим қовуни. *Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат*

ХДП хабари

Ташкилий пленум

ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишланган С. Мавлонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди.

Илгари Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлаб келган Эркинжон Эргашев шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби ва ижроия бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Эгамбердиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тажриба изланганда тўпланади

Ўзбекистон ХДП Наманган вилояти кенгаши Чортоқ туман партия кенгаши доирасида уюштирган семинар-кенгаш партия ҳужжатларини расмийлаштириш, юқори партия идоралари ва ўз қарорлари ижросини ташкил этиш борасидаги тажрибаларни оммалаштиришга бағишланган.

Унда вилоят, Наманган шаҳри ва барча туман кенгашларининг котиблари, ҳисоб шўъбаси мудирлари қатнашдилар.

Туман партия кенгашининг биринчи котиби Аҳмадали Раҳматов туманда амалга оширилаётган ўзгаришлар, изланишлар, партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун олиб борилаётган иш бўйича ахборот берди. Кенгашнинг ҳисоб шўъбаси мудири Адҳамжон Исроилов фаолиятидаги янгиликлар ҳақида илиқ гаплар айтилди.

Айниқса, «Мингбулоқнефть» корхонаси, Бобур номли жамоа хўжалиги ва «Ҳазратишоҳ»ширкатлар уюшмасида партия аъзолари сони ва сифати таркибини яхшилаш йўлидаги ҳаракатлар, ХДПнинг омма ўртасидаги обрўсини ошириш борасидаги тажрибалар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Мамат МАҲМУД

Ўғригина... соқчилар

Урганч шаҳрида «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонаси бор. Мустақилликдан сўнг ҳамкорлар билан биргаликда ишга туширилган кенжа корхона. Унда уяли ҳамда сўнггги турдаги телефон аппаратлари ишлаб чиқарилмоқда. Тўғрисини айтиш керак, бу хил молнинг бозори чаққон. Харидорлар ҳам маҳсулотнинг сарасини яхши билади...

1996 йилда, корхона иш бошлаганидан сал кейинроқ Қаҳрамон Йўлдошев ва Сарвар Отабоевлар корхонага соқчи бўлиб ишга қабул қилинганди. Ҳар иккови ҳам йигирмага кирган, забардаст йигитлар.

Корхона тўла қувват билан ишлашга ўтгач, маҳсулотларнинг саноғига етиш қийин бўлиб қолди. Омборхоналар тўлди. Маъмурият телефон аппаратларининг бир қисмини омборга сиғмагани учун корхонанинг биринчи қаватидаги алоҳида хонага жойлаштиришди. Хона қулфланди, муҳрланди. Ҳаммаси рисоладагидай қилиниб, калитлар соқчилар ихтиёрига топширилди.

Бир куни йигитларни шайтон йўлдан урди. Ўзларига ишониб топширилган мулкка хиёнат қилишга ўтишди. Ҳар гал навбатчиликка тушганларида калитлар билан хонани очиб, беш-ўн дона телефон аппаратларини гум қилишга киришдилар.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Бир сафар эмас, икки сафар эмас... бу ҳол анча муддат давом қилди. Агар 1997 йилнинг октябрь ойида бир туркум маҳсулотни сотиш пайтида мазкур омборда тафтиш ўтказилиб маҳсулот қайта ҳисоблаб чиқилмаганида, ким билади, ҳаммаси гум бўлармиди. Текширувда эса 260 дона телефон аппарати камлиги маълум бўлиб қолди. Ҳамма ҳайрон. Корхонага ўғри тушмаган, эшик синдирилмаган, дераза бузилмаган бўлса. Ким олган бўлиши мумкин?

Тўғриси, корхона раҳбарларининг кореялик ҳамкорлар олдида уятдан бошлари эгилди...

Содир қилинган ўғрилик ҳақида ички ишлар бўлимига хабар қилиниб, суриштириш ишлари бошланди. Биринчи навбатда телефон аппаратлари билан савдо қилаётган бозорнинг олғир тадбиркорлари кўз остига олинди. Улар бу аппаратларни икки йигит келтириб беришгани, ўзларини эса пойтахтга қатнайдиган тижоратчилар деб таништирганларини айтишди. Уларнинг кўрсатмалари корхонада ишлаётган ўша соқчи йигитларнинг ташқи кўринишларига ўхшаб кетарди.

Ўғирланган молларнинг бир қисмини эса Сарвар қўшниларига арзон баҳода пуллаб юрган экан. «Байрам муносабати билан корхонамиз ишчи-хизматчиларига мукофот қилиб берилди. Шуларни сотиб, пулини эгаларига тезроқ қайтаришим керак!» деб ёлғон ҳам тўқиган.

Шундай қилиб, корхонанинг неча-неча миллион сўмлик мулки ишониб топширилганига қарамасдан соқчилар хиёнат йўлига ўтган. Қисқа фурсатда жами 329 минг 171 сўмлик молни ўғирлаб сотиб, пулини ўз маишатларига ишлатиб юборганлар.

Ўғри-соқчиларнинг қисқагина сурган давридавронлари эса шу зайл поёнига етди. Энди улар ўн йилни панжара ортида ўтказишга мажбур.

М. ҚИЛИЧЕВ,
Урганч шаҳар ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти.
Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг

Зомин дафтаридан

1

Мен тоғларга бордим. Кибор тоғларга... Чўққилари само токини ўпган. Ям-яшил арчалар пойига тунлар гўзал юлдузларин этаклаб тўккан... Мен тоғларга бордим. Кекса тоғларга. Бошлари ғамлардан оқариб кетган. Асрий овозларни, асрий сирларни бир ҳўплам ҳаводек бағрига ютган. Мен тоғларга бордим. Улуғ тоғларга.. Вазмин нигоҳлари торттирган ҳушёр. Гуллар, капалаклар, қушлар, йўлбарслар мангу Ватан айлаб, бўлган бахтиёр. Бу не салқин ҳаво жоним элитган, бу не сирли саслар ўғирлар ҳушим! Ростини айтақол, жоним капалак, ғашингга тегмасми бунга келишим? Тинчингни бузмасми, эй гўзал оху, бу сирли ҳилқатдан излашим шеърлар? Дунёда бир ишқ бор қуёшдек боқий — уни Ватан дерлар, онажон, дерлар! Теграмда чуғурлаб учади қушлар, қанотларин силкиб, вижирлаб иноқ, гўзал чуғуридан бир сир ўқийман:

— Дунёда Ватандан шеър йўқ гўзалроқ! Бири опам, дейди мени эркалаб, бири синглим дейди, рўмолим тортиб. Мунчоқ кўзларидан бир илинж ёнар: «Бизга шеър айтсангиз Ватандин айтинг!»

2.

Ватан! Мен не дейин сени онамми? Жоним дейми сени бўғзимда турган! Тушларимда келиб момо Тўмарис неча бор рўмолин бошимга илган. Ҳар сафар оқ ҳарир либосда келиб, жонимга туғёнлар индириб кетар. Бошларимни силаб, бир сўз айтмайин, ичимдаги қулни ўлдириб кетар. Кетар шамолларга қоришиб, ёниб, тулпор ёлларига осилар тинчим. Ҳилпираб Эр борар туғга айланиб: Ватандир дунёда танҳо илинжим! Ватан, мен не дейин сени онамми, Жоним дейми сени бўғзимда турган? Эркнинг туғросини титроқ жонимга илк бор оқсоч момом — Тўмарис илган. Гулдурос солади тоғлар энтикиб, чақмоқлар қарсиллаб ёқарлар чироқ. Тоғу-тош майсалар ўқир саловат: Дунёда Ватандин сўз йўқ улуғроқ! Осмон оқ булутин сутдек тоширар, мисдек қизиб борар Қуёшнинг юзи, Доронинг бошини қонга ботирар, муқаддас Ватаннинг муқаддас қизи, Оҳ, Ватан, онажон, уфққа қара, у мудом қизилдир, мудом қирмизи. Сени ғаниларга бермас, ҳўрлатмас, муқаддас қизларинг — муқаддас тузинг! Тушларимда келиб момо Тўмарис кўзларимга боқиб, жилмаяр хушҳол, дейди: Бошгинангда ҳилпираб турган ипак рўмолингни қўлларингга ол! Қошимда депсиниб турар тулпор — Эрк, даштнинг шамолида терлари қотган. Бойчиборга ўхшаб кетар у жуда туёғига ғаним гулмихлар қоққан. Ипак рўмол ила кўзин артаман, ёлларини ўпиб, титрайди ичим. Инграма, жонивор, гулмихларингни тишла суғуришга етади кучим. Жонимнинг ичидан қанд-новвот олиб тўрвасига солиб унга тутаман. Бойчиборга ўхшаб кетар у жуда, мен ҳам сал Барчинга ўхшаб кетаман. Ҳовуч-ҳовуч дуо узатар момо: кўксингда дарёлар тўлғонган пайтдир... Сен сўз айтар бўлсанг кекса момонга, уриб турган қалби — Ватандин айтгин!

3.

Ватан, оҳ онажон, кўзим қароғи. Не савдо кечмади азиз бошингдан. Ҳар гал оғзинг ошга тегиб улгурмай, игна чиқаверди пишган ошингдан. Қирғинлар, босқинлар, дарёдарё қон... Вайронанг устида базм қурганлар... Қара, гулханларга айланади Эрк: «Оқ кийинар уни кўрмак бўлганлар!» Араблар, Муқанна ёнар ловуллаб кўксида Ватани бўйин эгмаган... Тарих саҳифасин йўқдир вароғи маккор ёғийларнинг тиғи тегмаган... Чингизхон саҳронинг ёвуз илони, қисиқ кўзлари-ла туради боқиб... Қара, Жалолиддин, қон дарёсида волиданг-ку, ёринг кетмоқда оқиб. Улар балиқларга ем бўлар балки, балки сув чечаги — мангу сўлмаган... ***Ватан — Самандарқуш, қирқ йил қирғинда минг битта патидан бири куймаган.*** Қара, Жалолиддин қўрқувга солар ёғийни ўғлингнинг кўзидаги ўт Талвасага тушиб, бюрар Чингиз: Боланинг юрагин итим есин, ит. т...

Эй, худо, бўғзимни ёргудай фарёд, хотир осмонимдан чиқар дудлар: Ватан, жоним Ватан, ўғлоним Ватан! Наҳот юрагингни емоқда итлар? Тишлар орасидан чакиллайди қон. Тупроқнинг юзида қотиб қолар доғ. Шовуллаган боғлар сиздан сўрайман: айтинг, юрагингиз қолдимикан соғ? Зомин тоғларида паришон юриб, жонимни минг турли ўтларга қордим. Бир чечакни суйиб, баргидан ўпсам, бир чайқалиб, титраб инграб юборди. Наздимда арчалар қимирлаб кетди, чайқалиб кетгандай бўлди улкан тоғ. Боқсам юзларида юракдан кетмас тишлар орасидан томган ўша доғ... Менинг ҳам юрагим санчийди тинмай, кўксимга турналар келади қайтиб. Қўлларимни ушлаб, инграйди чечак: Бизга сўз айтсангиз Ватандин айтинг!

4.

Даҳолар дунёга келмоғи учун асрлар неча бор синовдан ўтар. Бир ютум ҳаводек қисқа умрда ким Ватанга ҳанжар, кимдир қалб тутар. Даҳолар дунёга келмоғи учун узоқ вақт самони тутар тўлғоқлар минг бора кўкариб, минг бора гуллаб, минг бора хазонга юз тутар боғлар. Само кемалари нурдай югурук — хуру малоиклар келурлар минг бор, руҳлар келаверар тонгга қўшилиб соҳиби қудратдан бўлиб умидвор.

Хазон япроқлари юртни тутганда, боғларнинг бўғзидан сизганда ингроқ, оқ сочли онани — улуғ тупроқни жаҳонгир Темур-ла сийлади Аллоҳ! Янчилган ғурурлар кўкарди бирдан, кесилган чинорлар қайта ёзди барг, жаҳонгир тулпорин туёқларидан ҳайрату титроққа тушди кибор Ғарб...

Самарқанд... Кўп азим, донишманд маъво. Дунё тожидаги танҳо Кўҳинур. Бағрингда қуёшнинг нурин оғушлаб, сокингина ётар ҳазрати Темур. Ҳар гал ул олий зот хилхонасида қўлимдан келгунча тиловат қилгум, садолар ёпирилиб жонимга келар, садоларга қулоқ тутгим келар жим: бир юрт барпо бўлди адлу иймондан, бир ҳовуч тупроғи азиз жон қадар, пойдевори инсоф, ғишти адолат Турондан то мулки Ҳиндистон қадар. Дашти қипчоқлару, Мозандаронлар, Ироқу, Шерозу, Бағдод томонлар, Авник қалъалари, Дарбанд йўллари, Катур ғазоти-ю, Эрёб эллари... Сиволик тоғлари, Жамму замини, Озарбойжон юрти, Дамашқ замини... Қуюн каби елди темурий отлар, фотиҳга бош эгди гўзал Бағдодлар. ***«Темур тузуклари» — дунё қомуси, ақл ва идрокнинг ўқ емас қуши.***

Тиловат... Кўзимга жиққа ёш тўлар. Мен сизга қанчалар ўхшагим келар. Сиз каби Ватанни суйгим келади, эрк юзига юзим қўйгим келади.

Сиздан сўнг барибир яна буздилар, хазон япроғидек яна тўздилар. Юрт бошидан кечди яна қанча ғам: қисмат қўлларида илоҳий қалам.

Верешчагин, сени кўп хотирлайман. Бот-бот сен ёдимга тушасан туриб. Ҳузурла чизгансан миллатдошимни, дорда саланглатиб, питратиб қўйиб. ***Верешчагин, сени кўп хотирлайман. Сен ёдимга тушиб турасан бот-бот: Бобом Темур қурган мадрасалардан сен отиб юборган Эрк қилар фарёд. Унутиб бўларми, бундай тарихни! Кўзлар кўр, қўллар шол бўлиб қолмасми? Манқурт бўлиб қолсам — ё зомби бўлсам, улуғ руҳлар келиб ўчин олмасми? Ватан — бу ҳаққоний ўқилур тарих. Биргина ҳарфи ҳам хатосиз, ҳалол!*** Тоғларга боқаман: ҳамон буюкдир, ҳамон кўксидаги булоғи зилол!

... Мозий, мен ҳали кўп сенга қайтаман. Хотир дафтарларим сўзга тўлгунча. Ким юртини севса, замин дардлари уни тинч қўймайди ўлаўлгунча. Буюк Амир Темур хилхонасидан нурлар ҳорғин синган ушбу дам қайтдим: ортимдан эргашиб келди бир садо: Улуғлар руҳини шод қилмоқ учун айтар бўлсанг сўзни Ватандин айтгин!

5

Мен кўркинч туш кўрдим, босиринки туш. Юзу-кўзларимга босмоқдалар чўғ. Дод деяйин десам, чорлайин десам, оғзимда жарлик бор, аммо тилим йўқ. Э, худо, бу қандай таҳқир, разолат, жоним нақ бўғзимга тиқилиб қолган. Юм-юм йиғлайман-у, сўз деёлмайман: қайси иблис менинг тилимни олган... Аллалар айтувчи тилим қайдасан, яллалар айтувчи тилим қайдасан? Болага сен бола бўлувчи тилим, азада сен нола бўлувчи тилим, дўстимни дўст бўлиб кўнглин олувчи, ёримнинг қалбига ғавғо солувчи, тоғларга боққанда садолар бўлган, қўшиқ айтганимда гадолар қилган, шеърларни ёздириб кўнглим бўшатган, нағмаси булбулнинг кўнглин юмшатган, қоракўз боламни қалдирғоч қилган, ғанимнинг бағрини ханжардек тилган, тилим сен қайдасан, деб роса ёндим. Куйдим, пишдим; чўғлар ичра тўлғондим. Оллоҳдан нажотлар сўраб турган дам, оппоқ нурдан ногоҳ порлади хонам. Ёраб, азобларим мингга бўлинди, наҳотки улуғлар менга кўринди? Бирларида улуғ тангри каломи, бирларида улуғ шоир девони... Барчасин ташрифин кўзимга сурдим, улуғлар пойига бошимни қўйдим. Сўнг кўзимга тошди забонсиз хуним: билмайсизми, қайда йўқолган тилим?

Етмиш йилки шундай кўркинч туш кўрдим. Заминда қанотсиз, тутқин қуш кўрди. Йўқликка Қодирий, Чўлпонлар кетди, Абдурауф Фитрат, Элбек, Усмонлар, ҳар қайсиси нури жаҳонлар кетди. Изтироби ҳамон бағримга томар, тунлар ухлолмайин бедор юлдуздек, кезсам сўз айтолмай қошимда турар тоғлардек буюгу, забонсиз Ойбек. ***Ўшанда осмон ҳам қоп-қора эди, булутлар ичида яшарди ҳилол, сенга нима дейин, ростини айтсам, қошингга забонсиз келдик, Истиқлол!*** Улуғ руҳлар бизни қўллаб турибди, дунёга сўзимиз айтмоқлик пайти. Бугун бағримизни ҳурлик тўлдирар: Бизга сўз айтсангиз Ватандин айтинг!

6

Ватан! Мен не дейин сени онамми! Жоним дейми сени бўғзимда турган. Юрак, ҳайрат кўзинг титрамасдан оч, руҳинг даштларига ҲУРРИЯТ келган. Майсалар ям-яшил туғлар кўтарди, чечаклар юлдуздир унда ярқироқ. Нурлар кесиб борар зулмат кўксини: юрак осмонида чақилди чақмоқ. Кўнгил ўсиб кетди ердан кўк қадар, тоғлар, бу мағрур бош менинг бошимдир. Бу тупроқ, бу гиёҳ, бу топталган боғ энди менинг боғим, менинг тошимдир. Томирларимда қон лопиллаб оқар, руҳим юлдузларни қучиб олар шарт. Дийдоринг кўзимнинг устина бўлсин, азизим, ҳаётим, орим ҲУРРИЯТ!

Хуррият, кутганим, тожу-тахтимсан, поймол ғурурларга қайтадан насиб! Бисотимни титиб келар йўлингга туҳфа тополмадим қалбдан муносиб. Шу қалбим, дарёлар ҳайқирган қалбим, изларингга қўйди оппоқ бошини. Шаҳид ўғлонларинг йиғлаб артмоқда жон ичидан силққан армон ёшини! Нега чечакларнинг киприклари нам? Нега жон ичиндан келмоқда титроқ? Эй, руҳимнинг мағрур, Самандар қуши, сен учун нима бор Эркдан улуғроқ.

Хуррият, хуррият, жоним хуррият! Жароҳатидан қон силққан Туроним! Бугун бир шаҳид ила алплар камонин юртимда кўтариб турган ўғлоним! Сен етти ёшдаги бола Алпомиш! Ўн тўрт ботмон ёйни турибсан тутиб. Силтасанг камонинг Асқар тоғларнинг чўққиси олиб ўтади юлиб... Қошлари қалдирғоч қизу ўғлонсан, Хуррият, беғубор тиллари бийрон! Исириқлар солай бўйи-бастингга, ёмон кўзлардан деб мангу бўл омон!

Камалаклар кўнди тоғлар бошига, чўққига бургутлар келмоқда қайтиб. Қанотлар шовқини самони тутар: Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг!

7

«Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги».
И. КАРИМОВ

Ватан — бу юракнинг тубидаги гул. У жоннинг ўзига томирлар отган. Сут каби кўпириб, қўйилган тонгни арча учидаги Ҳулкар уйғотган. Гиёлар кўзларин ишқаб уйғонар, гулкоса ичинда капалак ҳушҳол. Биз сени гул каби юракка босиб, асрамоғимиз шарт, улуғ Истиқлол!

Етти йил! Асрлар узоқ умрида гўёки анорнинг етти донаси. Лек сен босиб ўтган қутлуғ йўлларинг заминдан то Қуёш қадар ораси... Кимдир, ҳамон нафсин ўйлаб кун кўрар, занжирин соғиниб, суради хаёл. ***Эй, қуёш юзлигим, чечакли боғим, қўлларга бермайман сени Истиқлол!***

Кимдир юртдан узоқ, жигар бағри қон, Ватан соғинчлари ўртар жонини. У кўзига сурар, топган-тутгани: бир ҳовуч тупроғни — хонумонини. Оқарган сочларин шамол тўзғитар, жон жонини ўртаб ҳижрон кулади. У бир зум болага айланиб қолар: болалиги сен-ла ўйнаб юради. Кўздан оққан ёши тупроққа томар, жийда гулин иси урар димоққа. У маҳзун пичирлар, дуолар қилар: ҳеч кимса тушмасин юртдан йироққа! Қошғар тупроғида йиғлайди Фурқат шеърида ҳижронлар сўзлаб ётади. Бир ҳовуч тупроқнинг армонида у то қиёмат қадар бўзлаб ётади! ***Ватан, тупроғингга бошимни қўйдим, сен армон, сен ҳижрон, ўтли оҳимсан: Боламни оқ ювиб, оппоқ тараган, улуғ меҳроб — танҳо саждагоҳимсан! Сен берган неъматинг, нон ила тузинг, асрий ғурурларинг сутдайин ҳалол! Сенга кўз тегмасин, жонимда асрай, боболар армони улуғ Истиқлол!***

Сен келдинг! Ғаниилар питраб қолдилар. Товондан бошигача игна югурди. Улар билдиларки: ҳалол бойлигинг: яна ўзлигингга, сенга буюрди. Яна ўгдакларинг чеҳрасида нур, яна оналарнинг қўли дуода, дунё дарвозаси бизларга интиқ, яна яшил туғинг порлар самода. Улар талвасасида: игна югурар, боши-ю, товони ва жони томон. Қайлардадир ўқлар тинмай отилар, ўт ичра инграйди жафокаш Афғон! Истиқлол! Мен сенинг битта заррангман. Зулмат водийсидан кечган кўп йўлим! Бугун, сен гўдагим умрини тилаб, заминдан аршгача узаяр қўлим: оналар дуоси ижобат бўлғай, ғаним ўз ёғига қовурилсин ўзи! То дунё тургунча сутдек оқ бўлсин оқкўнгил ўзбекнинг юзи-ю, сўзи!

Сиз, эй дўсти азиз, субҳидам туриб, шукр қилдингизми тиниқ тонгларга. Тўймай боқдингизми кўз ёндирувчи гуллар илинувчи гўзал ранглларга. Сизга ҳовуч-ҳовуч зилол узатган сувга айтдингизми ўз сўзингизми? Порлаб турганичун, лоақал бир бор, эркалаб қўйдингизми ўз кўзингизни! Шундай. Ҳар бир нарса шукр сўрайди. Шундай. Ҳар бир нарса лутф сўрар ҳалол! ***Сенга етказгани-чун, парвардигорга, минг бора шукрлар қилгум, Истиқлол! Замину осмоним тинчлиги учун, гўдак кўзидаги ширин хоб учун, шеърлар ёзгин, деб мени қўймаган, кўнглимдаги гўзал изтироб учун, юртим деб туну-кун ором биламан, бир сўзли мардона юртбошим учун, биз яна озодмиз, ҳурмиз деб турган, Асқар тоғларимму ҳам тошим учун, саксонлардан ошиб, топгани сабр ва шукр айлаган оналар учун, етти ёшларида дунё ўйида тенгма-тенг югурган болалар учун, гулкоса ичида беҳадик ухлаб, субҳидам уйғонган капалак учун, менинг юрагимдан сизга талпинган, қадр деган гўзал камалак учун, дину-илмимизни кўксимизга солиб, кўзимга ёш берган тиловат учун, топталган қадрларни азот кўтарган Истиқлол аталган саодат учун... Шукрлар қиламан, кўзда ёш билан кўксимда ўзбекнинг беку хонлиги: омон бўл, она-юрт, она-истиқлол, энг олий мақсад бу — юрт омонлиги...***

Шарифа САЛИМОВА



Ўн саккиз минг олам

Банк портлашига бир баҳя қолди

Тбилиси шаҳри марказидаги банклардан бири портлаб кетишига бир баҳя қолди. Номаълум шахс банк қоровулларидан бирига 30 минг АҚШ долларини унга бериш ҳақидаги мактубни топширди. Агар ушбу катта пул унга берилмаса, банк биносини портлатиб юборишини айтди. Банк қўриқчиларининг тезкор ҳаракатлари туфайли бадиий академиянинг 25 ёшли битирувчиси бўлмиш террорчи қўлга олинди. Жиноятчидан портлатиш қурилмаси тортиб олинди.

Гумон қилинганлар қўлга олинди

Найробидаги АҚШ элчихонаси ёнидаги портлатишга алоқадор деб ҳисобланган гумон қилинаётган беш киши ҳибсга олинди. Федерал қидирув бюроси ходимлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари элчихона ёнида портлаб кетган автомобиль бўлакларини топишди. Экспертлар портлатиш воситасини аниқлашга киришдилар. Умуман олганда, ўтган жума куни юз берган портлашлар натижасида 247 киши қурбон бўлиб, беш мингдан зиёд одамлар ярадор бўлди.

Ҳарбий ҳаракатлар қораланди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши халқаро ҳамжамиятнинг норозилигига қарамай, Афғонистон шимолида ҳарбий операцияларни давом эттираётган «Толибон»нинг хатти-ҳаракатларини кескин қоралади. Шу муносабат билан тарқатилган баёнотда Афғонистон можаросини ҳарбий ҳаракатлар билан ҳал этиб бўлмаслиги таъкидланади. Хавфсизлик Кенгаши «Толибон»ни БМТ раҳнамолиги остидаги тинч музокараларга киришишга даъват қилди.

Хавфсизлик Кенгаши раиси Данило Тюркнинг таъкидлашича, «Кенгаш Афғонистонда толибларнинг ҳужумлари туфайли қуролли можаро кучайиб бораётганидан жиддий ташвишда». Кенгаш аъзолари «Толибон»ни халқаро ҳамжамиятнинг хоҳиш-иродаси, хусусан, кенгаш раисининг ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш тўғрисида 6 август куни эълон қилинган мурожаатномасини инкор этишда айблаган.

РАТА-ТАСС хабарига кўра, Хавфсизлик Кенгаши бошқа давлатларнинг ўзаро урушаётган томонларни қўллаб-қувватлаётгани ҳақидаги хабарлардан ҳам жиддий ташвиш билдириб, барча мамлакатларни Афғонистон ички ишларига аралашишдан чекинишга ва ушбу мамлакатдаги ҳарбий ҳозирлигини бекор қилишга даъват қилди.

Полициячилар кўчага чиқди

Ҳукуматга қарши руҳдаги талабалар норозилик намойиши ўтказишга тайёргарлик кўраётганликларини сезган Корея полициясининг минглаб вакиллари Сеул кўчаларига олиб чиқилди. Талабаларнинг катта гуруҳи Пханмунжом чегара пунктига бориб, Шимолий Корея вакиллари билан бирга Корея ярим оролининг Япония босқинчиларидан озод этилган куннинг 53 йиллигини нишонлаш учун отланишган эди. Жанубий Корея ҳукмрон доираларининг бундай ҳаракатларни ман этиши бир неча бор талабаларнинг полициячилар билан қонли тўқнашувларига сабаб бўлган эди.

Молиявий товламачиликка қарши чора

Гонконгнинг зарбхона департаменти маҳаллий долларни халқаро миқёсда молиявий товламачилик билан шуғулланувчилар ҳужумидан ҳимоялаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришди. Маълум бўлишича, хориждаги айрим банклар молия бозорига катта миқдорда Гонконг валютасини чиқарган ва шу йўл билан унинг қадрини кескин туширмоқчи бўлган. Бунинг натижасида фоиз ставкалари анча пасайиб кетган ва ҳатто маҳаллий ҳокимият доллар қадрсизланишининг олдини олиш учун заҳирадаги маблағларни ишга солишга мажбур бўлган.

Саодатли кунлар сурури

1997 йил мавсуми арафасида заводимиз қисқа технология тизимида ишлаш усулига ўтган эди. Шу туфайли ўтган йилнинг ўзида 6 миллион сўмлик электр энергиясини иқтисод қилгандик. Фойда ҳисобидан чигитни туксизлантириш цехини қисқа вақтда ишга туширдик. Эндиликда чигитни саралаб деҳқонларга бераяпмиз. Энг қизиғи, бу ускуналарни заводимиз муҳандислари яратганлар.

Ўтган йилларда, экологияни ифлослантиряпсизлар, деб бизга жарима солишарди. Пахта қанча тоза терилмасин, барибир унинг барглари бор-да, янчилгандан кейин осмонга кўтарилиб, ҳавони ифлослантиради. Шуни йўқотиш учун ҳозир пневмотранспортни олиб ташлаб, қуритиш-тозалаш цехидан бош корпусга, яъни чигитлаш цехига маҳсулотни тасмаларда узатиш усулини жорий этдик. Бу эса ҳавони чанглантирмайди. Шунинг эвазига 250 киловатт электр энергияси иқтисод бўлади. Ортиқча қўл меҳнати тугатилади.

Заводимиз бир меъёрда ҳам ингичка толали, ҳам оқ пахтани тозалайди. Умумий қуввати 60 минг тонна пахтани қайта ишлашга етади. Туманимизда етиштирилган пахтанинг ҳаммаси бизга юборилади. Тўлиқ қувват билан ишлашимиз учун қўшимча яна 20 минг тонна пахта керак бўлади. Ҳа, заводимизнинг ишлаб чиқариш имконияти ана шундай катта.

Ишчиларимизнинг ўртача ойлиги 13 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари байрам ва чораклиларда мукофотлар берилади. Чиқарган акцияларимизнинг бир сўмига 1 сўм 3 тийиндан дивиденд олинди. 1998 йилги кўрсаткичларимиз янада яхши бўлиши сезилиб турибди. 465 нафар ҳиссадорларимиз бор. 111219 дона акция чиқарганмиз. Ҳар бир акциямиз 200 сўмдан иборат. Жами акцияларимиз 22 миллион 243 минг сўмни ташкил этади. Шунинг 51 фоизи давлатники, 24 фоизи жамоаники, 25 фоизи четга, эркин савдога чиқарилган.

Ҳиссадорлик жамияти деган номга эга бўлишимиз ишчиларимизда меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартирди. Илгарилари ишга кеч келиб, эрта кетса ҳам бир маошни олаверамиз, деган тушунча мавжуд бўлса, энди акция нималигини, дивиденддан келаётган фойдани кўриб-билиб туришибди. Биринчи марта акцияларни тарқатишда алдаяпсизлар, деган бўлишса, энди бизга акция топиб беринглар, дейишаяпти.

Одамларимиз ўз мулкига эга бўлди. Мулкнинг нима эканини англади. Оддий бир мисол. Илгарилари таъмирдан кейин бино деворларига ҳар хил ёзувларни ёзиб ташлашарди. Энди ундай эмас. Чунки ҳар бир жойнинг ўз эгаси бор. Агар бирор ишчи ишга келмай қолса, ишчиларнинг ўзлари уларни муҳокама қилади. Келгуси йили бир сўмга 10-15 сўм дивиденд олишимизга ишончим комил.

Корхонамиз қошида тикув цехи ишлаб турибди. Унинг биринчи гиламларини ишчиларимизнинг никоҳ тўйларига совға қилдик. Кам таъминланган ишчиларимизга ҳар хил моддий ёрдамлар уюштирамиз. Тўйларини ўтказиб берамиз. Бундан ташқари туман касалхонасидан тўртта палатани заводимиз ҳисобига олганмиз. Ишчиларимиз у ерда имтиёзли шароитларда даволанишади. Заводимиз ҳудудида даволаниш-физиотерапия биносини қураяпмиз. Ёрдамчи хўжалигимизда чорва моллари боқилаяпти. Ишчиларимизга сут-қатиқ, гўшт маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бермоқдамиз.

Мен кўпни кўрган, ҳар хил жойларда ишлаган киши сифатида шундай саодатли кунларга биз фақат истиқлол туфайлигина эришдик, истиқлол бизга шундай имкониятни берди, деган бўлардим.

Шерали МАМАТҚУЛОВ,
«Шеробод пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 18 avgust, seshanba № 97 (22.334).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Санъат олами

Қўшиққа бағишланган кўнгил

Абдуллажон Раҳимжонов ўз мухлисига эга ижодкор. Албатта, ўз тингловчиси бор санъаткорнинг ўз қўшиқлари бўлиши табиий. У изланишдан, меҳнатдан чўчимайди. Шунданми, узоқ йиллар ёшлар билан ишлади, маданият уйи, «Янгиобод» гуруҳида раҳбарлик қилди. Ўз таъбири билан айтганда, «катта қозонда қайнаш учун» обдон етилди.

— Кўрик-танловларда юқори ўринларни эгалладингиз. Нега шу пайтгача бирорта профессионал ансамблга ўтиб ишлашга таклиф қилишмади?

— Балки бироз нокамтарлик бўлар, жуда кўп таклиф этишди. Лекин мен «катта қозонда қайнаш учун», катта саҳнага чиқиш учун олдин изландим. Негаки санъат муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳга

Абдулла яқинда М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ ансамблида яккахон хонанда бўлиб иш бошлади.

— Абдуллажон, одатда, шогирдлар устози ижодидан кўп қўшиқлар айтишади. Шу йўл билан машҳур бўлганлар ҳам бор. Сиз эл севган санъаткоримиз Ғуломжон Ёқубовнинг шогирди бўлсангиз-да, илк чиқишларингиздан классик қўшиқ айта бошладингиз?

— Тўғри, устоздан ўрганиш керак. Лекин бу ўзлаштириб олиб нусха кўчириб қуйлаш дегани эмас. Ғулом ака устозим. У кишидан кўп нарса ўргандим.

Мумтоз қўшиқ заминдек беҳад теран. Кўкка интилган киши заминсиз қандай парвоз қилиши мумкин? Муаллақ осилиб қоладику? Халқнинг бой маданий мероси — классик қўшиқчилик санъатимизнинг туби, замини. Ҳақиқатан ҳам «Тошкент ироғи», «Ўртар», «Гулизорим», «Фиғон ким», «Баёт-Ю» га ўхшаш ўлмас, халқ ижро йўлида айтиладиган қўшиқларсиз ижодим кемтик бўлади деб ўйлайман.

Бу билан устозимнинг қўшиқларини ёки эстрада жанрини четлаб ўтаман демоқчимасман. Тўй-ҳашамларда, тантаналарда мендан Ғулом аканинг қўшиқларини сўрашади, бундан тўлқинланиб кетаман.

— «Янгиобод» гуруҳи ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— Фақат бу гуруҳ эмас, шу пайтгача бўлган 15-20 йиллик ижодий йўлимда кўпгина билим юртларида ёшларга санъатдан сабоқ бердим, гуруҳлар ташкил этдим. Биласизми, ҳар биридан катта бир ижодий мактабни ўтаб ўтдим, чоғи. Ўз устимда ишлаш, ҳали етилиш керак эди.

— Кузатиб келаман, кейинги 5-6 йилда талайгина янги қўшиқлар яратдингиз. Кўрик-танловларда юқори ўринларни эгалладингиз. Нега шу пайтгача бирорта профессионал ансамблга ўтиб ишлашга таклиф қилишмади?

— Балки бироз нокамтарлик бўлар, жуда кўп таклиф этишди. Лекин мен «катта қозонда қайнаш учун», катта саҳнага чиқиш учун олдин изландим. Негаки санъат муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳга ҳавас билан кириб келамиз. Мен эса ихлос билан шу даргоҳдан ўз ўрнимни топиш учун аввалига обдон изландим, машқ қилдим. Ҳозир «Баҳор»даман. Кейинги йилларда айниқса, юртимизнинг мустақиллик даврида ўз ижодимда бирдан «ўсиш» бўлди, чоғи. Сизни албатта, қўшиқ, шеър танлаш жараёни ҳам бефарқ қолдирмас. Очиғи, қўшиқ, қуйдан олдин матн зўр бўлса дейман. Шавкат Раҳмоннинг шеърларини, Мухтарама Улуғова, Гулчеҳра Назарова, Туроб Ниёзнинг, Сирожиддин Сайиднинг ижодидан кўп фойдаланаман.

— Одатда, кўрик учун айтилган қўшиқлар мавсумийдай, кейинчалик тўй-ҳашамларда айтилавермайди. Лекин сизнинг «Мустақил диёр Ўзбекистон» ашулангизни ёшлар тўйлардаям қайта-қайта айтиришаяпти.

— Бу ашула айнан кўрик учун тайёрланмади. «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика танловида шундай қўшиқларимдан бири «Туроннинг буюк беш боласи» учинчи ўринни эгаллади. Мухлисларга келсак, қўшиқ қайси мавзуда бўлмасин, мазмуни саёз бўлмаса, эшитувчининг юрак тубидаги эзгу ҳисларини чертиб ўтса ҳеч «тушиб» қолмайди. Айтаверасиз.

— Янги қўшиқлар устида ишлаяпсизми?

— Ҳа. Яқинда «Оила» қўшиғини овоз ёзиш студиясига тайёрлаб бордим. «Озод юртим»ни Алишер Икромов билан биргаликда тайёрлаб бўлдик. Яна янгилари...

— Иш столингиз устидадир.

— Бизнинг ишимиз тор «устида»...

— Абдуллажон, «Янгиобод» гуруҳи билан бутунлай хайрлашдингизми? Назаримда, шу гуруҳда анчагина сермаҳсул ижод қилдингиз.

— Йўқ, гуруҳдан кетганим йўқ. Маълумки, «Кулгучларинг», «Болалар» каби кўп қўшиқларимга шу гуруҳнинг ғижжакчиси Қаҳрамон Назиров билан бирга куй басталаганмиз. Кларнетда Азиз Ризаев, доирачимиз Илҳомбек Сариевсиз бундай қўшиқлар яратолмаган бўлардик, балки. Бундан кейин ҳам ҳамкорликда кўп гўзал қўшиқлар яратиш ниятидамиз. Халқимизда бир гап бор. Бирор воқеадан таъсирланса, «Э, бу нарса айнан шунга яралган, шу нарсага аталган-да», деб қўямиз. Кўнглим қўшиққа аталгандай. Мана, ҳозир куйламасдан қаршингиздамандда, барибир кўнглим «куйлаяпти».

— Абдуллажон, «Баҳор» сизнинг ижодий фаолиятингизда баҳорий уйғониш, янада асл ашулалар яратишга замин бўлсин.

Суҳбатдош Саида БОНУ

Суратда: А. Раҳимжонов (чапдан иккинчи) «Янгиобод» гуруҳи билан. Ўктам ШАРИПОВ олган сурат

Бир кўнгил дунёси

Бошга тушган савдо

Элёр Ўзбекистон темир йўллари Давлат акциядорлик компаниясининг соғлиқни сақлаш хизмати идорасини тез топди. У тўрт қаватли янги замонавий бинода жойлашган бўлиб, зина тутқичини ушлаб 3-қаватга кўтарилди. Гилам поёндоз, катта кўзгу, сунъий, аммо худди табиийдек гуллару, дарахтлар, йўлакнинг ним қоронғулиги аллақандай салобатли кўрсатарди бу жойни.

У бошлиқ — Шавкат Эшонхўжаев қабулхонасига ҳаяжонланиб кирди. Салқин, елвизак қабулхонада озода кийинган малласоч, зангори кўйлакли котиба уни чарм креслога ўтиришга таклиф қилди. Бироз нафасини ростлаган Элёрга: «Кираверинг», деди. Котибанинг илиқ муомаласи бошлиқ эшигини қия очиб, уни ичкарига йўллаши Элёрнинг кўнглини кўтарди. Уй остонадан бошланади, дейишади-ку. «Бу ерда покиза инсонлар бор экан», — ўй ўтди кўнглидан.

У соғлиқни сақлаш хизматининг бошлиғини (телефонда овози орқали) ёш бўлса керак, деб ўйлаганди. Шавкат ака сочида битта ҳам қораси йўқ, аммо икки юзи қип-қизил нурли инсон экан. Айниқса, унинг катта, қора кўзлари ёқиб тушди. Бу кўзларнинг товланиб жонли, ўткир нигоҳ ташлаши эса уни анча ёш кўрсатарди. Ўз идораси раҳбарининг саҳоватпешалик билан ёзиб берган илтимосномасини унга тез тутқазар экан:

— Билмадим, отдек соппасоғ юрувдим. От тепдими, нима бўлди, бир нима қирт этди-ю, тиззамни босолмай қолдим, — деди Элёр бошқа сўз тополмай. Шавкат Эшонхўжаев бутун гавдаси билан силкиниб кулди-да:

— Тузалиб кетасиз! Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз, — деди унга мулойим қараб. — Бош врачга кўрсатасиз бу қоғозни. Албатта, ёрдам беради. Мен имзо чекдим, бўлди. «Назарбек»ка боринг. Душанбада. Вақтлироқ. Чунки, Прохорова Тошкентда яна бир шифохонамизда ишлайди.

Элёр қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди. Хонадан чиқаётганда катта дермантин эшикни оҳиста беркитаркан, хаёлидан ўтгани шу бўлдики, соғлиқни сақлаш хизмати раҳбари бир бандаи мўминнинг соғлигига кўмаклашганидан ўзи ҳам кўнглида хурсанд бўлди. Энди шифохонада бемалол даволанади. Бу Аллоҳнинг яхши инсонлар қалбига солган меҳри-ку аслида. Аллоҳ меҳрини яхши инсонлар қалбига ана шундай муҳрлаб қўяркан. Элёр шу чоққача дардини бировга айтган эмас. Дардингни ҳеч кимга айтма, дардингга дард қўшилади, деган нақлга амал қилди, чамаси.

Ҳозир шуларни юраги увишиб эсларкан, хаёлидан кўп нарса ўтди. Аввало, дунёда яхши одамлар кўплигига шукур қилди. Ҳа, дунё шундай меҳрли инсонлар билан тирик! Ақлий меҳнатга шунчалик зўр бериб, Элёрнинг оёғи билан иши бўлмапти. Мана асаб, чарчаш оқибати, бунинг устига касаллик огоҳлантиришсиз келади, дейишгани ҳақ рост. Олдиндан белгисини ҳам пайқамас экан хом сут эмган банда. Касалликнинг келиши осону, кетиши қийин экан.

Роппа-роса 40 кун осмонга қараб ётди. Справочникни варақлаб қараса, инсон пайи шу қадар бақувват бўларканки, ҳатто 250 кг.гача юкни бемалол кўтара олади. Ҳозир эса у одеялни кўтаришга ожиз. Одамлар табиати қизиқда, авваллари ўзини девдек ҳис этарди. Унча-мунча нарсага парво ҳам қилмасди. Энди кўчада ким ўтса, Элёр биринчи оёғига назар солади. Хиёл оқсаганни кўрса, «бизнинг бошга тушган савдодан» деб қўяди. Чопиб юрган болакайларга ҳаваси келади. Улар худди коптокдек сакрашади. Оёқлари унга пружинадек енгил ҳаракатланаётган туюлади. «Иш-иш» деб куннинг кеч бўлганини, ҳафталар, ойлар ўтганини билмади. Ўзбекчилигимиз қурсин, — ҳуноб бўларди у, — бошқаларга ўхшаб кундалик чарчоқни кунда кетказа олмаймиз. Шанба, якшанбада яна топшириқ, бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши, меҳнат таътилида-ку яна уй таъмири, бола-чақа, югур-югур билан кун ўтганини сезмай қоласан».

Мана ҳозир Ўзбекистон темир йўллари Давлат акциядорлик компаниясининг «Назарбек» марказий клиник касалхонасида Элёр буни юрак-юрагидан туйди. Бу ерга келгунча ҳам қаратган қараб қолмас дегандек дуч келган ёшу қаридан умрида кўрмаган бу дард шифосини қизиқиб суриштирди. Ўғлининг бир оғайниси орқали ҳарбий госпиталга бориб ёрдам сўради. Хуллас калом, юзта оғиздан юз хил гап эшитди. Элёрнинг боши қотганданқотди. Ҳар ким ўз бошига тушган қорни ўзи курайди деганларидек, бу дарднинг палласида эса табибнинг билимдонлиги. Элёр унда дам жиддий шифокорни, дам синчков назокатли суҳбатдошни кўриб турар эди. Унда ўз мижозига юксак ҳурмат-эътиборни кўрди. У палатадан чиқиб кетгач қандай таассурот қолди Элёрда? Шифокор унинг фақат тизза пайи давосига эмас, бутун гавдасида нимаики касаллик ёки руҳий безовталик аломати бўлса барчасининг давосига киришганни яққол ҳис этди. Умрида биринчи марта бундай тўла ташҳисни кўриши эди. Давлат иши, топшириқлари билан куннитунга, ҳафтани-ҳафтага улаб тоза бўладигани-бўлган экан. Умуман, соғлиқ нима, Аллоҳ яратган вужудда нималар бор ўзи, астойдил қизиқиб кўрмапти, каллаварам. Оёқ баҳона, ўзини энди кўзгуда тўла кўргандек.

Артрология (бўғин) касалликлари бўлими мудири — кўзойнакли, чертиб-чертиб гапирувчи йигит аниқ қилиб: — туз йиғилган суяклар орасига. Ўша яллиғланиш берган. Зардоб олган деяпсиз-ку, ўшаники. Тизза шишгани ҳам шундан. Даволаймиз, отдек бўлиб кетасиз, — деди кўнглини кўтариб. Аҳрор исмли бу йигитда Элёр ўзига ажиб бир ҳурмат-эътиборни кўрди. Ахир, бўлим мудири ўзи палатага кириб келди, унинг кўнгил чироғини ёқди-да!

Элёр балконга чиқди, осмонга қаради. Ой атрофни сутдек ёритиб турибди.

Балконда тоза ҳаво симирса-да, Элёр шифохонанинг ўзига хос дори-дармонлар ҳидини туйди. Шунда хаёлини олиб қочган дала манзараси кўз олдидан «йўқолиб», беморлиги эсига тушди. Ҳазил-ҳазил билан касалхона «тегирмони»га тушиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон. Укол-доридан узоқда эди, конига тушди. Бир йиллик эмас, ўн йилликлар режасини бажарворди Элёржон . Уруш киноларида ҳужумга ҳар томондан ўтилишини кўп кузатган эди. Бу ерда ҳам шундай: касалликка кўп планли «ҳужум» қилишар экан. Ҳолбуки, бу муолажалар етти ухлаб унинг тушига ҳам кирмаган эди. Бу ерда текширилмаган аъзо қолмас экан. Кўйинг-чи, танангизда қандай иллат борлигини ўзингизга ойнадагидек кўрсатишади. Элёр эрта-ю кеч қўлларини очиб Аллоҳга шукурлар айтди. Ва ўзича шундай ажиб бир «фалсафа» ҳам ясади. Аллоҳ ҳаммани бир-бирига зарур қилиб яратган. Врачу табиблар иши — даволаш. Ёзувчи-ю санъаткорлар бурчи — маънавий малҳам қўйиш ва чексиз шундай экан бу дунё.

Элёр бу оддий ҳақиқатнинг тагига бугун етганига ҳайрон эди.

Ҳамид ИКРОМ

Спорт

Йўғидан фойдаланиб

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг якунловчи давраси ўйинлари бошланди. Гап шундаки, дастлабки давра ўйинларини пешқадам сифатида якунлаган пахтакорчилар довон ошгандан кейин ўтказилган дастлабки тур ўйинларида дам олишди. Улар «Бухоро» жамоаси билан ўз майдонларида бўладиган учрашувни кейинроқ ўтказишади. Бу эса пешқадамликка даъвогар бўлиб турган жамоаларга қўл келгандай бўлди. «Нефтчи» сафарда «Хоразм» футболчиларини енгиб (3:1) 36 очко билан биринчи ўринга кўтарилиб олди. Пахтакорчиларда ҳам шунча очко бор эди. Навбаҳорчилар эса бу йилги мавсумда деярли яхши ўйнамаётган МҲСК жамоасини қабул қилиб ғалаба (6:1) қозонишди. Наманганликлар ҳисобидаги очколар 33 тага етди. «Сўғдиёна» ҳам бўш келмаяпти. Тўртинчи ўринда бораётган бу жамоа «Темирйўлчи» футболчиларини қабул қилиб (5:2) зафар қучишди. Жиззахликлар бу билан очколарини 31 тага етказишди.

«Орият» автопойгаси

Мустақилликнинг қутлуғ етти йиллик байрамига бағишланган автомобиль пойгасини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. «Орият — 98» деб номланган бу мусобақа мухлисларда катта қизиқиш уйғотиши кутиляпти. Пойгада жами 30 тадан кўпроқ автоуловнинг қатнашиши мўлжалланган. Маълумки, бундай пойганинг бошланишида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ташаббус кўрсатган эди. Ҳозир эса анъанага айланган мусобақага «Сарбон — Сўғдиёна» техникавий спорт жамияти бошчилик қилмоқда. Жамият директори Н. Кравченконинг матбуот йиғилишида берган ахборотига қараганда, пойга 29 август куни Амир Темур хиёбонидан бошланиб, ТТЗ мавзеси, «Бахт» ва «Роҳат» кўли, Чирчиқ орқали Чорвоқ ва Чимён томонларда ниҳоясига етади. Пойгада иккита «Нексия» ва битта «Тико» енгил машинаси ҳам қатнашади.

Болани кўнгли нозик

Бир зиёли танишимиз куйиниб гапириб қолди. Қизчасини бўралаб қарғаб, билагидан силкиётган қўшнисидан сабабини сўраса, «кечгача бир чиройли ўйнайди-ю, оқшомлари шунақа қилиқ чиқарадики, ёпишиб олиб, ғингшийверади», дермиш. — Йиғидан нафаси тиқилаётган қизчани яхши сўз билан уйга бошладим. Кўп нарса таклиф қилдим, — дейди у. — Эзгин хўрсиниқлар билан рад этаверди. «Эртак айтиб берайми?» деганимдагина кўзлари ёниб жилмайди. «Алпомиш»дан айтдим. Икки-уч кун кечки пайт уйқугача бизникида юрди. Бир куни ишдан кечикиб қайтсам, ўзимизникилар донг қотиб ухлашяпти-ю, қўшни қизча мени кутиб ўтирибди...

Ойбек домла ўз болалигини бойитган, эртаклар сўзлаб эзгуликни танитган бобосидан умрининг охиригача миннатдор ўтди. Ёш Алишер эса Фаридиддин Аттор мураббийлигида чиниқди. Нега энди бугунги болалар Алпомишни танимай улғайиши керак. Тушида Бойчиборга миниб кенгликларда чопган боланинг туйғулари тиниқ, муҳаббати Ватани каби буюк, садоқати осмонларча бўлишини билмаймизми, ё? Болаларга муносабат нуқтаи назаридан меҳмоннавозлик, меҳмондўстлик фазилатларимиз ҳам «меҳмонбозлик» иллатига айланиб бормаяптими?

Қариндош-уруғлар ўртасида дийдорлашиб туриш учун ойда бир ташкил этиш урф бўлаётган «гап»нинг ҳам болаларга оид бир чети кемтик. «Болалар билан ўтирган-турганимизни билмаймиз. Яхшиси, «гап»га ҳеч ким боласини олиб келмасин», дейдиган одат чиқди.

Мулоҳаза

Фожианинг каттариб, илдизланиб бораётгани эса бувилар, боболар муносабатида ҳам бўртиб турибди. «Кўргани келса раҳмат, худо хайрини берсин. Фақат болаларини олиб келмасин. Қаридим, шовқин-суронга тоқатим йўқ», дейдиган қариялар бор.

Телевизор — асримиз мўъжизаси. Унда болалар учун махсус кўрсатувлар борлиги янаям қувонарли. Аммо, телевизор қаршисидаги ота-оналар қўрслигининг, ўғил-қизи саволларига тоқат қилолмай уларни кўчага ҳайдаб, ўзлари кино кўришининг оқибати нима бўларкин?

Алла айтилмаётганлиги, унинг таъсирлари, оқибатлари хусусида кўп нарса биламиз. Болаларга алла айтиш одати қайта урф бўлмаётгани, алла айтиб бола ухлатиш келинларимизга эриш туюлаётганини ҳам кўриб-билиб турибмиз. Бунинг натижаси, афсуски, яна савол бўлиб қоляпти.

Эртак айтиб берадиган ота-она, буви-бобо болалар тушида, «Қундуз бобо»... дан олган озгина тасаввурларида яшаяпти, холос. Оналарнинг, айниқса, ёш оналарнинг болаларга қўпол муомалада бўлишаётгани эртага бўлмаса индинга захаланган, таъми талх «мева»лар берса-чи?! Ёшлигида қарилигини, соғлигида хасталигини ўйламаган кишининг эртаси инқироз ва афсус эмасми?

Бугун ўз осойиши, ўткинчи ҳаловати учун болалари зиммасига унча-мунча рўзғор юкларини ортиб қўяётганлар ҳам орамизда топилади. Бозорчи болаларнинг эса бажараётган юмушлари эмас, муомаласидаги қўполлик ачинарли. Ҳатто саломни сўраб оласиз. Уларнинг акарияти нима гуноҳу, нима савоблигини ҳам ажратолмайди. Ота-онадаги беписандлик ва кибр боланинг ҳаракатларида, қарашларида бир дашҳатли, бир қўрқинчли акс этмоқдаки...

Бир-бирларингизга ҳадя бериб турингглар, меҳр-муҳаббатингиз ортади, дейиладиларо илоҳий ҳадисларда. Ҳадямиз бўлмаса, ширин сўз, меҳрли қараш, очиқ чеҳра билан эркалаш қўлимиздан келмайдими?! Ўғлонларни Номозботирга, Алпомишу Авазхонга, қизларимизни Ойбарчинга, Қалдирғочойим ё Хонзодабегимга ўхшатиб бошини силаб қўйишга имконимиз етмайдими?!

Музқаймоқ ё бирон турдаги ўйинчоқ хархашасини қилаётган боласини қўполлик билан сўкиб силтайдиганлар она дейишга арзийдими? Ўз боласини юпатишга ношуд аёлнинг оналиги ёлғон эмасми?

Қарғишлар, уриб-сўкишлар тарбиянинг энг қолоқ усули. Бола бамисли бир ниҳол, уни эгаман деб куртаклари ниш ураётган шохларини синдириш мумкин. Маданиятли муомалани, ўзимиз орзу қиладиган ширинсуханликни аввало болаларимизга бахш этайлик. Токи улар ҳуқуқий жамиятга чин инсон шахсига хос гўзал фазилатлар билан кириб боришсин.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Маҳмуджон ПАРПИЕВ журналистлар

«АИТ — ИНД»

қўшма корхонаси «АИТ — ИНД» масъулияти чекланган жамият шаклига

АЙЛАНТИРИЛАЯПТИ.

Даъволар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Телефон: 76-84-04.

Ташкилот

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — мўлжал: Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-97,
факс 54-49-11
Пейжер (067) 90-79

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи -дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.866 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0232

Босишга топшириш вакти 21.00
Топширилди — 22.35
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА